

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда



ҲОКИМИЯТ

Мамлакатимизнинг Вазирлар Маҳкамаси, парламент ва сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қатор қонунларга бугунги кунда киритилаётган ўзгаришларнинг амалий моҳияти нималардан иборат?

Олдиндан нималар қилишини аниқ айтиш мумкин бўлган, идора тизимини қўлга киритиш ва топшириш механизмларида қутилмаган кўнгилсизликлар бўлмайдиган, барқарор ҳокимиятни яхши ҳокимият дейдилар. Бунда ҳукумат барча мансабдорларнинг фаолиятини чинакам назорат қилиш ва тўғри ўзганга буриш имконияти ҳам бўлмоғи лозим. Шу маънода қонун ижодкорлари халқимизга бугунги кунда нималарни тақлиф қилишмоқда, сиёсий ҳаётимизда моҳиятан олганда қандай ўзгаришлар қутилмоқда?



Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Нурдинжон ИСМОИЛОВ:

– Ҳозирги пайтга келиб давлат ҳокимиятининг тармоқларга бўлиниши ва фаолият олиб боришининг анчагина самарали, етарли даражада шаклланган тизимга эгамиз. Мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар Асосий Қонунни такомиллаштириш ва янада демократлаштиришга қаратилгандир. Бугунги кунда биз парламент ҳар иккала палатаси регламентларини ва бошқа баъзи қонун ҳужжатларимизни шу ўзгаришларга мувофиқлаштиришмоқдамиз.

Гап нималар ҳақида бораётганлигига қисқача тўхталиш мумкин. Энг аввало Бош вазир номзодини тасдиқлаш тартиб-таомиллари ўзгармоқда. Ҳозирги кунга қадар унинг номзоди мамлакат Президентини томонидан белгиланарди. Парламент палаталарига кўриб чиқиш ва

тасдиқлашга ҳам давлат бошлиғи тақдим этарди. Тўғри, бунда у сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари билан олдиндан маслаҳатлашувлар ўтказарди.

Конституцияга киритилаётган янгиликларга кўра Президент бундан буён барча фракциялар билан маслаҳатлашмайди. Бинобарин, Президентга Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Кўришиб турибдики, тамомила янги тартиб тақлиф этилмоқда. Ҳозирги кунга қадар, юқорида айтганимдек, сайловда қанча овоз олганлигидан қатъи назар, парламент фракциясини тузиш имкониятига эга бўлган ҳар қандай партия Бош вазир номзоди танловига бошқалар билан тенг равишда таъсир этиш имкониятига эга эди, бунинг учун унинг парламент таркибидан ўрин олиши кифоя ҳисобланарди. Янги тартиб сиёсий партияларнинг парламентдаги мутлақ кўпчилик мавқеи учун курашдаги фаоллигини рағбатлантиради. Бу эса, ўз навбатида, жойларда янада самарали иш олиб боришни, кадрлар билан олиб бориладиган ишларга янада чуқурроқ ёндашишни, стратегик даражада ўйлаш ва фикр юритиш маҳорати ва шу сингариларни талаб этади. Буларнинг ҳаммаси сиёсий партиялар учун олға томон жиддий одимлашда янги имкониятлар яратади, уларнинг таъсир доирасини кенг кўламда кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳамонки партиялар Бош вазир номзодини кўрсатар экан, у орқали ҳукуматни шакллантиришга билвосита таъсир эта билади. Бундан ташқари, улар ҳукумат бошлиғи ва у томонидан шакллантирилган маҳкама самарали ишлашдан жуда-жуда манфаатдор бўлиши турган гап. Зотан, акс ҳолат уни номзод қилиб кўрсатган партиянинг обрўсига путур етказиши мумкин – Бош вазир ишдан кетадиган бўлса, партиянинг ҳукуматдаги мавқеи муайян даражада бой берилади, бу ҳол кейинги сайловларда парламентдаги мавқеига ҳам таъсир этиши мумкин.

Яна бир муҳим ўзгариш Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдиришга таллуқлидир. Бу биз учун мутлақо янги институт. Халқаро амалиётда одатда ҳукуматга ишончсизлик вотуми билдирилади. Бизда эса бу нарса шахсан ҳукумат бошлиғига нисбатан қўлланмоқчи.

Янги қоидаларга биноан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми ҳукумат бошлиғи ва Қонунчилик палатаси ўртасида «зиддиятлар доимий тус олган» тақдирда билдирилиши мумкин. Гап шундаки, Қонунчилик палатаси қонунлар қабул қилади, Бош вазир эса уларнинг давлат миқёсида ижро этилиши учун жавобгардир. Зиддиятларнинг доимий тус олиши бизнинг тушунчамизда бир вақтнинг ўзида икки «майдон»да мужассам бўлиши мумкин: бир тарафдан, парла-

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қуйидаги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва қабул қилинди:

• «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (иккинчи ва учинчи ўқиш);

• «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» («Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 103-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида») (иккинчи ва учинчи ўқиш);

• «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан) (иккинчи ва учинчи ўқиш);

• «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (иккинчи ва учинчи ўқиш).

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси иккинчи ўқишда давом эттирилади. Лойиҳа асосан кўриб чиқилди, айрим моддалари ишлаб маромига етказиладиган бўлди. Депутатлар мазкур лойиҳа юзасидан узил-кесил қарорни кўкламги байрамлардан кейинроқ қабул қилсалар керак.

Депутатлар шунингдек сиёсий партиялар (ЎзЛиДеП, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси) марказий кенгашлари раисларининг партия фаолиятини 2010 йилда молиялаштириш натижалари бўйича ҳисоботларини ҳам тингладилар.

мент қонунлар қабул қилади, уларнинг у ёки бу йўсинда амалга оширилишига эса Бош вазир тўсқинлик қилади; иккинчи тарафдан, Бош вазир у ёки бу қонун лойиҳалари киритилишида ташаббусчи бўлади, депутатлар эса унинг ташаббусларини концептуал тарзда кетма-кет рад этаверади. Буни мисол тариқасида келтирмоқдаман. Бошқача вазиятлар ҳам бўлиши мумкин.

– Бу ўзгаришлар аввалгиларига зид эмасми? Агар Бош вазир Қонунчилик палатасида энг кўп миқдорда депутатлик ўрнини олган партия томонидан кўрсатилган экан, бу партия Бош вазирнинг кетишига, алмаштирилишига унга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига йўл қўймаслик орқали қаршилик қилиши мумкин, негаки бу ҳол, шак-шубҳасиз, ҳукуматда муқаррар ўзгаришларга ва партия, табиийки, «барча жабҳаларда» ўз мавқеини бой беришига олиб келади...

– Назарий жиҳатдан олганда, шундай бўлиши мумкин. Аммо бу парламент амалиётидаги одатий иш дейиш мумкин. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тўғрисидаги расмий тақлиф Қонунчилик палатаси депутатлари умий сонининг камида учдан бир қисми томонидан мамлакат Президентига йўлланмоғи керак. Шундан кейин масала ҳар иккала палата муҳокамасига киритилади ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми тақлифни ёқлаб овоз берган тақдирда ижобий ҳал қилинган ҳисобланади. Шундан кейин Президент тегишли қарор қабул қилади ва Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби ҳукумат бошлиғи билан биргалик-

да истеъфога чиқади. Давлат бошлиғи сифатида Президент ихтиёрида ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат ҳокимияти органлари келишилган тарзда фаолият олиб боришини таъминлашнинг воситалари ва имкониятлари бор. Буларнинг ҳаммаси жамулжамликда мураккаб жараён бўлиб, амалий тажриба тўпланишига қараб тобора мукамаллаша боради.

Мен яна бир кўшимча ҳақида, хусусан Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг биргаликдаги ваколатларига тааллуқли янгилик – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини парламентларда мунтазам равишда эшитиш ва муҳокама қилиш таомилининг амалиётга жорий этилиши ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Олий Мажлис учун бу, энг аввало ижро этувчи ҳокимиятни назорат қилишнинг яна бир самарали воситаси, қолаверса ахборот олишнинг қўшимча манбаидир. Зотан парламент бу ишни зарур деб топган исталган пайтда қила олади.

Бу ҳам давлатимиз учун янги амалиёт саналади ва у ўзига хос хусусиятларга эга бўлади... Бошқа мамлакатларда ҳам ҳукумат раиси муайян даврда парламент олдида ҳисобот бериб туради. Бунда гап, одатда умуман олганда ҳукумат фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳақида бормоқда. Бизда парламент ўзини қизиқтираётган, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тааллуқли масалалар доирасини аниқ белгилаб олади ва Бош вазир айна ана шу йўналишлар бўйича ҳисобот бериши шарт. Буни жуда тўғри ва амалий ёндашув деб ўйлайман.

2-бетда

УШБУ
СОҒДА

1-2-бетлар

Қонун ижодкорларининг иш жараёни

\$1 = 1677,73 сўм

3-бет

Савол: солиқ инспекциясининг талаблари ўзгарди, шу тўғрими?

€1 = 2339,97 сўм

5-бет

Аудиторлик ташкилотлари рўйхати

£1 = 2735,54 сўм

6-бет

Кадрлар бўлими

¥10 = 207,23 сўм

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ

1-бетда

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга депутатлар бутун бир иш куни бағишладилар. Лойиҳа устидаги иш давом эттирилди. Унинг нормалари ижтимоий йўналтирилганлик нуктаи назаридан анчагина принципиал ҳисобланади. Куйидаги жиҳатларни унинг концепциясидаги муҳим қирралар дейиш мумкин:

● **Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахсларга сотишнинг тақиқланиши.**

● **Ана шу маҳсулотларни таълим, спорт ва диний муассасалардан камида 500 метр ораликдаги радиусда, жамоат жойлари ва дам олиш жойларида, жамоат транспорти, шу жумладан метрополитен бекатларида, аэропортилар, темирйўл вокзаллари ва автостанцияларга туташ жойларда сотишнинг тақиқланиши.** Бошқача қилиб айтганда, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар савдоси Тошкент халқа автомобиль йўлидан ташқарига чиқарилмоқда.

● **Тамаки маҳсулоти кутиси ва ўрворада таркибиде смола ёки никотини кам, тортуви энгил, ўртача, ўта энгил сингари иборалар жойлаштиришнинг тақиқланиши.** Бинобарин, қонун ижодкорларининг фикрича, бу масалада қарашлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги фикри билан ҳамроҳдир. Бунақа иборалар сотиб олувчида маҳсулотнинг хавфсиз эканлиги ёки нисбатан хавфсизлиги ҳақида сохта тасаввур уйғотади.

● **Алкоголли маҳсулот этикеткаси майдонининг камида 40 фоизи ва сигарета қутилари ҳар икки тарафи майдонининг 40 фоизи**

тегишли тиббий огоҳлантиришга ажратиши талаби.

● **Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига ичкиликбозлик ва кашандаликка мубтало бўлган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш мажбурияти юқлатилиши.** Ҳозирча бу қандай бўлишини аниқ тасаввур қилиш қийинроқ... Бу жараёнда ҳокимликларга маҳаллий фуқаролар йиғинлари мададкор бўлади, шу сабабли бу иллатлар асоратидаги ҳақида тегишли ахборот тўплаш ва уларни шу йўналишда тиббий-санитария ёрдами кўрсатишга қодир ихтисослаштирилган муассасаларга бериш ҳақида бораётган деб ўйлаш мумкин.

● **Алкоголли ичимлик ва тамаки маҳсулотларининг барча турлари рекламаси батамом тақиқланиши.** Пиво учун ҳам ҳеч қандай истиснолар бўлмайди.

● **Барча турдаги тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни омма олдига, шу жумладан кўчаларда, боғ ва хиёбонларда, шу сингари жойларда чекиш ва истеъмол қилишнинг тақиқланиши.** Ҳатто кўп квартиралар уйдаги умумфойдаланадиган жой деб ҳисобланадиган йўлақларда чекканлик учун жарима солиниши мумкин.

Қонун лойиҳаси ҳар иккала палата «чиғириги»дан ўтиб белгиланган тартибда қабул қилинган ва маъқулланган, Президент томонидан имзоланганидан кейингина унинг нормалари билан яқиндан танишишимиз мумкин. Ҳозирча бир нарса аниқ; ушбу Қонунни қабул қилиш орқали мўлжалланаётган чоралар замирида қандайдир мубҳам мулоҳазалар эмас, балки фуқароларимизнинг соғлиғи ҳақидаги улкан ғамхўрлик мудоаиси ётибди.

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

Қонунчилик палатасининг ой ўрталарида бўлиб ўтган ялпи мажлисида Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Қаҳрамон АКМАЛОВ аънаанага кўра ўтган йил юзасидан ҳисобот берди. Мамлакатимизда Ҳисоб палатаси ташкил топганига ҳадемай 10 йил бўлади. 2002 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур идора давлат газнасини аудит қилиш ва бюджет маблағларининг белгиланган мақсадда сарфланиши устидан танлаб назорат олиб боришини ҳамма билади. Шу билан бирга қайси идора, тизим ёки тармоқ давлат аудиторлар томонидан текширилмасин, баъзи истисноларни инобатга олганда, манзара деярли ўзгармапти: ўша-ўша ҳуқуқбузарликлару қонунбузарликлар, ҳеч ким назорат қилмайди деган пуч умидлар учрагани учраган. Адолат юзасидан айтиш керакки, бюджет билан боғлиқ қизиқ ечимлар ҳам баъзан учраб туради...

Ҳисоб палатаси 2010 йилда:

● сийёсий партияларнинг маблағлари шаклланиши ва сарфиёти тўғрисида;

● Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетларининг ижросини;

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг 1996–2009 йиллардаги ва мазкур Академия тасарруфидаги Олий бизнес мактабининг 2001–2009 йиллардаги молия-ҳўжалик фаолиятини;

● «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси «Зирабулок» магистрал газопроводлар бошқармаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Отель Узбекистан», «Узолмонхотелз» кўшма корхоналари, «Тошкент тажриба-ремонт заводи» ОАЖ молия-ҳўжалик фаолиятини;

● «Алп Жамол банк» хусусий акциядорлик тижорат банки томонидан қонун ҳужжатларининг кредитларни расмийлаштириш, улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш ҳамда берилган кредитлар мониторингини олиб боришга оид талабларига риоя этилишини, шунингдек банк капиталини шакллантириш ва валюта операцияларининг қонунийлигини, 2005–2009 йилларда пул муомаласи борасидаги ишларнинг ташкил этилишини;

● «Капиталбанк» очик акциядорлик-тижорат банкида кредитлардан белгиланган мақсадда фойдаланилишини, валюта операциялари қонунийлигини ва пул муомаласи билан боғлиқ ишларни ташкил этилишини;

● «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан «ЎзФедералГаз» кўшма корхонаси ўртасидаги шартномаларнинг ижросини текширди.

Ўтган йили шунингдек 2009 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташқи аудити ўтказилди ва баҳоланди, солиқ ва бюджет сиемати асосий йўналишлари, жорий йилги Давлат бюджетни лойиҳаси экспертиза қилинди.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

Қорақалпоғистонда ҳам, Самарқанд вилоятида ҳам Ҳисоб палатаси даромад олишнинг қатор кўшимча резервларини аниқлаб берди. Самарқанд, масалан, олиш мумкин бўлган қарийб 6 млрд сўм маблағни оломай қолган. Бу асосан вилоят маъмуриятининг қарори билан айрим турдаги маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича нотўғри коэффициентлар, яъни ошиб борувчи коэффициент ўрнига пасайиб борувчи коэффициентлар белгиланганлиги туфайли шундай бўлган. Жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқ бўйича, масалан, 3,8 млрд сўм кам олинган.

Шу вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси шаънига муайян эътирозлар билдирилди. Халқ таълими муассасаларида бюджет маблағларини ишлатишда камчиликлар топил-

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ойша ОХУНОВА:

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бир қанча қонунлар ва кодекслар матнларига тузатишлар киритишни назарда тутди. Шулардан энг муҳими, менинг назаримда, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига киритилаётган ўзгартишлардир.

Мазкур Кодекснинг нормалари суд ишларини юритишга тааллуқли бўлиб, бундай қараганда миллий бизнесга ҳам, умуман олганда жамият турмушига ҳам тўғридан-тўғри таъсир этмайди. Шундай бўлса-да, Кодексга киритилаётган ўзгартишлар ўз моҳиятига кўра бу сафар анчагина кенг кўлаб касб ётмоқда. Бу ҳақда кенгрок тўхталиш лозим.

Мамлакатимиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йилда чиқарилган Фармони¹ ҳамма яхши билади. Фармонга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо чоралари, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, мазкур субъек-

тнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, қайта қуриш, тугатиш ва шу сингари ҳуқуқий таъсир чоралари фақатгина суд тартибиде қўлана бошлади.

Кодексга киритилаётган ўзгартиш ва кўшимчалар мазкур тоифадаги ишлар билан боғлиқ судьялар таркиби ишининг барча жиҳатларини тартибга солаётганлиги, яъни бутун бир янги боб киритилиб, соф процессуал масалалар ҳал этилаётганлигидан ташқари улар тадбиркорлик субъектлари учун ҳам, ҳаммамиз учун ҳам принцип жиҳатидан жуда-жуда муҳимдир. Бинобарин гап ишларни кўриб чиқишнинг, шу жумладан техноген хусусиятли таҳдидлар, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига реал таҳдид этувчи бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишнинг мuddатларини анчагина қисқартириш ҳақида бормоқда. Бир тарафдан, бу тезлаштириш бундай корхона фаолиятини тугатиш муаммосини янада оғирроқ мuddатларда ҳал этиш имконини беради. Иккинчи тарафдан, агар назорат қилувчи орган корхона фаолиятини ноҳолислик билан баҳо берган бўлса ва корхонанинг фаолияти реал таҳдид солмаётган бўлса, бундай вазиятда хўжалик юритувчи субъект суд муҳокамасига оилаб вақтини сарф қилмайди ва ўз ишини давом эттириш имкониятини анчагина тезроқ қўлга киритади.

¹2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармон.

МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

Текширилган муассасаларда молия-ҳўжалик фаолияти қизиқарли ва турфа рангдир. Масалан, улардан бири «қуриб битказилмаган спорт-соғломлаштириш комплекси базасида ташкил этилган ёрдамчи чорвачилик хўжалиги»ни сотар экан, одамларга ҳам, чорвага ҳам, давлат газнасига ҳам унча зарар эмаслигининг уйдасидан чиқа олган. Бир молия муассасаси эса валюта кредитларини Марказий банк курси бўйича сўм эквиваленти билан қопланишига, бунинг устига қарз олганларнинг ўзи томонидан эмас, балки ҳисоботда айтилганидек, «ёт» жисмоний шахслар томонидан қопланишига йўл қўйган. Яна бир муассаса, аниқроғи меҳмонхона ўзига қарашли биноларни чет ташкилотларга... бепул ижарага берган. Бу йўсиндаги хайрия суммаси 2,7 млн АҚШ доллари даражасидан ҳам ошиб кетди. Удабурон бир тадбиркорлик субъекти қандайдир приборлар ишлаб чиқариш бўйича кўшма корхона очган, лекин бундай приборларни ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаган. Шу сабабли уларни импорт қилиш билан шуғулланишга ўтиб олган. Ҳолбуки, маҳаллийлаштириш ва импорт қилинадиган маҳсулот ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш нуктаи назаридан бу номатлуб ҳисобланади.

ЯКУН ЎРНИДА

Умуман олганда, Ҳисоб палатаси учун навбатдаги меҳнат йили аънаванавий йўсинда яқун топди. Давлат бюджетини ҳамда мақсадли жамғармаларга оз эмас, кўп эмас, 50 млрд сўм қопланди. Мазкур идоранинг Бош прокуратура билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби асосида 199 нафар мансабдор шахсга нисбатан 146 та жиноят иши қўзғатилди.

Юлия ЯШИНА,

«Норма маслаҳатчи» муҳбири.

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА 1-2-бетлар

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

– Касаначи бўла оласиз...
– ...Бироқ имтиёз олишга ҳақли эмассиз
– Ўз ходимларига сотилди
– Капитал сотилса

3-бет

✓ БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– Фирма учун пластик
– Ҳисоб-китоб ҳужжатларига таянинг

4-бет

✓ АУДИТ

– Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига
– Ниятлар дивидендларга халал бермайди

5-бет

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– «Ходимнинг хоҳиши...», у ёзма бўлиши шартми?

– Улгуржи савдо муаммолари

6-бет

✓ top

7-8-бетлар

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	21.03.2011	1	0,7932	1	1,1163	1	0,0278
Арманистон	24.03.2011	1	367,97	1	519,9	1	12,98
Беларусь	25.03.2011	1	3030,00	1	4264,73	1	106,68
Грузия	24.03.2011	1	1,7005	1	2,4137	1	6,0152
Қозоғистон	25.03.2011	1	146,07	1	206,05	1	5,15
Қирғизистон	25.03.2011	1	47,4414	1	66,7035	1	1,6672
Латвия	25.03.2011	1	0,499	1	0,702804	1	0,0176
Литва	25.03.2011	1	2,4539	1	3,4528	10	8,6369
Молдова	24.03.2011	1	11,938	1	16,8809	1	0,4218
Тожикистон	19.03.2011	1	4,4602	1	6,2849	10	1,5663
Ўзбекистон	23.03.2011	1	1677,73	1	2339,97	1	59,14
Украина	24.03.2011	100	795,07	100	1123,911	10	2,8124
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

КАСАНАЧИ БЎЛА ОЛАСИЗ...

? Биз эндигина корхона очган 2010 йил мартининг охирида меҳнат биржаси ва солиқ инспекцияси бизга ходимлардан бирини касаначи сифатида жойлаштиришни маслаҳат қилди. Тушунишимизча, уларга бу режани бажариш учун керак бўлган. Фирмамизда бор-йўғи 4 киши ишлайди. Уч нафар ходим сайтларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, 1 киши корхоналарда сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади. Хонамиз кичкина бўлгани сабабли биз бу таклифни мамнуният билан қабул қилдик ва ўриндошлиги бўйича сайтлар контент-менежери бўлган бухгалтерни касаначи ходим сифатида расмийлаштирдик. Чораклик ҳисоботларни Интернет орқали жўнатишни мажбурий шарт қилиб белгилашди. Биз ЭРИ харид қилдик, компьютер ўрнатдик, ходимнинг уйига Интернет ўтказдик, кўп маблағ сарфладик.

Биз солиқ инспекцияси ва меҳнат биржасининг барча талабларини ўз вақтида бажара бордик: электрон ҳисоботларни ўз вақтида топширдик; меҳнат биржаси тақдим этган барча ҳужжатларга ҳар ойда имзо қўйдик. Солиқ инспекцияси томонидан айни касаначилик меҳнати хусусида ташкил этилган семинарда иштирок этдик. Ташкилотчиларга ҳамма ишни тўғри қилаяпмизми деган савол билан мурожаат қилдик. 2 чорагу 2 ой шундай ўтди, бу даврда биз солиқ инспекцияси ва меҳнат биржаси билан фаол ҳамкорлик қилдик.

Бирдан тўртинчи чоракнинг учинчи ойида солиқ инспекцияси бизни чақириб, биз ишлаб чиқариш ҳисобланмаслигимиз, шу боис ходимни касаначи сифатида расмийлаштира олмаслигимизни маълум қилди. Бизни бундан аввалги икки чорак учун унинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ЯИТ тўлашга мажбур қилдилар.

1. Солиқ инспекцияси тўғри йўл тутганми?
2. Сайтлар ишлаб чиқадиган корхона ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланадими?
3. Мазкур ҳолда кимни: дастурчи, веб-дизайнер, контент-менежерни касаначи ходим сифатида расмийлаштириш мумкин?

А.Сувонов.

– 1. Касаначилик технология жараёни ва бошқа шарт-шароитлар уй шароитларида бутловчи буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш имконини берадиган **саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида** корхоналар билан корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперация асосида ташкил этилади (*Касаначилик тўғрисида Низомнинг 1 5-банди, бундан кейин – Низом*). Қонун ҳужжатларида белгиланган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия олишни талаб қиладиган, шунингдек уйда қувватли, энергияни кўп талаб қиладиган ва техник жиҳатдан мураккаб асбоб-ускуналардан, шунингдек уй шароитларида назорат қилиб бўлмайдиган махсус техника хавф-

сизлигига риоя этишни талаб этадиган хавфли кимёвий компонентлардан фойдаланиб касаначига ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди. Шу тариқа, Низомда нафақат ишлаб чиқарувчи корхоналар, балки хизматлар кўрсатадиган корхоналар учун ҳам касаначилик меҳнати назарда тутилган.

Сизнинг фаолиятингиз лицензияланадиган фаолиятга кирмаслиги, шунингдек уйда қувватли, энергияни кўп талаб қиладиган ва техник жиҳатдан мураккаб асбоб-ускуналардан, шунингдек хавфли кимёвий компонентлардан фойдаланишни талаб қилмаслигини ҳисобга олганда, касаначининг ушбу соҳада иш бажариши учун чекловлар мавжуд эмас.

2. Корхонангиз ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланиши ёки хизматлар кўрсатиш соҳасига кириши унга

ХХТУТ бўйича берилган кодга боғлиқ. Масалан, агар ташкилотга ХХТУТ бўйича 14333 коди (дастурий воситалар ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган корхоналар) берилган бўлса, у **ишлаб чиқариш соҳасига** тааллуқли бўлади.

3. Сиз санаб ўтган ходимларнинг исталганини касаначи сифатида расмийлаштириш мумкин. Касаначилар учун ишларнинг муайян турларини иш берувчи уларнинг касбий кўникмалари ва саломатлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда белгилашни инобатга олиб (ишнинг хусусияти, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, хом ашё ва материалларнинг хоссалари, ногиронларга нисбатан эса – МТЭК тавсияси эътиборга олинади), иш берувчининг ўзи касаначи қандай ишларни ва қандай мутахассислик бўйича бажара олишини белгилаши мумкин.

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

¹ВМнинг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига 1-илова.

ЎЗ ХОДИМЛАРИГА СОТИЛДИ

? Қуйидаги вазиятларда ТМБ ва корхонанинг (унинг асосий фаолият тури – консалтинг хизматлари) бошқа активларини реализация қилишдан олинган даромадларга солиқ солиш бобида саволимиз бор:

- 1) корхона ходимга ТМБ ва бошқа активларни иш ҳақи ҳисобидан юклар жўнатади: Д-т 6710 – К-т 4010;
 - 2) ТМБ ва бошқа активлар юклар жўнатилган: Д-т 9220 – К-т 1080;
 - 3) ТМБ ва бошқа активлардан олинган тушум: Д-т 4010 – К-т 9220;
 - 4) даромад акс эттирилган: Д-т 9220 – К-т 9330.
- Ушбу ҳолда қандай суммага солиқ солиш керак: юклар жўнатилган ТМБ ва бошқа активлар суммаси ёки ялпи даромадга?

Бухгалтер.

– Хизматлар асосий фаолият тури ҳисобланганлиги боис, сизнинг ҳолатингизда **материаллар реализацияси чоғида уларнинг чиқиб кетишидан олинган даромадларга солиқ солиниши керак**, улар:

– фойда солиғини (*Солиқ кодексининг 132-моддаси, бундан кейин – СК*);

– ягона солиқ тўловини (*СКнинг 353, 355-моддалари*) ҳисоблаб чиқараётганда солиқ солинадиган базага киритилади.

СКнинг 133-моддасига кўра, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган фойда мол-мулк-

нинг чиқиб кетишидан олинадиган даромаддир. Шу тариқа, материаллар чиқиб кетиши чоғида солиқ солинадиган даромад 4-сон БҲМС «Товар-моддий захира»нинг¹ 50-банди бўйича белгиланади.

ҚҚС тўловчиларда материалларни реализация қилиш ҚҚС солинадиган оборот ҳисобланади. Солиқ солинадиган база

Ҳисобда ходимга бўёқ сотиш бўйича операциялар қуйидагича акс эттирилади:

N	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Бўёқни сотиш акс эттирилган	400	4010, 4790	9220
2	Бўёқнинг харид қиймати ҳисобдан чиқарилган	220	9220	1010
3	Ходимнинг иш ҳақидан ушлаш акс эттирилган	400	6710	4010, 4790
4	Бўёқни сотишдан олинган даромад акс эттирилган	180	9220	9320

унга ҚҚСни киритмаган ҳолда реализация қилинадиган ТМБ қиймати асосида белгиланади (*СКнинг 204-моддаси*).

МИСОЛ. Консалтинг хизматлари кўрсатадиган ташкилот ўз ходимига таъмирлашдан қолган, қиймати 220 минг сўм бўлган бўёқни 400 минг сўмга сотди, тўлов унинг иш ҳақидан ушланади. Ташкилот ягона солиқ тўлови тўловчисидир (ҚҚС тўламайди).

ЯСТ 180 минг сўм (400 – 220) даромадга солинади. У корхонанинг асосий фаолият турига мувофиқ келадиган ставка бўйича ҳисобланади. Консалтинг ташкилотлари учун ставка 2011 йилда 6%ни ташкил қилади (*Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига*² 9-1-илова). Мазкур операция бўйича ягона солиқ тўлови суммаси 10 800 сўмни (180 000 х 6%) ташкил қилади.

...БИРОҚ ИМТИЁЗ ОЛИШГА ҲАҚЛИ ЭМАСИЗ

? Марҳамат қилиб айтсангиз, тузилган меҳнат шартномасига асосан корхонага бухгалтерия ҳисоби ва сайтни маъмуриятлаштириш бўйича хизматлар кўрсатадиган касаначилар меҳнатидан фойдаланадиган корхона улар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзни қўллаш оладими?

Бош бухгалтер.

– Президентнинг 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармони¹ билан касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш кўринишида берилган имтиёзлар маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича буюртмаларни касаначилар бўйича (уйга) жойлаштирадиган саноат корхоналарига татбиқ этилади. Имтиёзлар транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустриясининг йирик корхоналарига, шунингдек тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналарига нисбатан ҳам жорий этилган (*Президентнинг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори*² 2-банди).



Касаначилик тўғрисидаги Низомнинг (*ВМнинг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига 1-илова*) 1-бандига мувофиқ, «касаначилик» тушунчаси тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ жисмоний шахс – касаначининг яшаш жойи бўйича ёхуд унга ёки унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биналарда иш берувчининг буюртмалари бўйича **товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича** касаначи томонидан амалга ошириладиган ишни англатади. Яъни касаначилар корхона буюртмаси бўйича ишлаб чиқариш тусидаги ишлар (хизматлар)ни бажарадилар. Масалан, тикувчилик саноати корхоналари учун – газмолни бичиш хизматлари, мебель саноати корхоналари учун – мебель учун фурнитурани тайёрлаш ва ҳоказо.

Бухгалтерия ҳисоби, уйда сайтни маъмуриятлаштириш хизматлари ва шунга ўхшаш хизматлар бевосита ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми ҳисобланмайди ва, тегишинча, корхона улар бўйича юқорида кўрсатилган ягона ижтимоий тўлов бўйича имтиёзни қўллаш олмайд.

Екатерина ТАРСУКОВА,
«Norma Ekspert» эксперт-иқтисодчиси.

¹Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида.

²Аҳолининг иш билан бандлигини кенгайтириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури.

КАПИТАЛ СОТИЛСА

? МЧЖ устав капитали асосий воситалар, шу жумладан транспорт воситаларидан шакллантирилган.

Корхона уларнинг бир қисmini реализация қила оладими? Агар шундай қила олса, ўшанда устав капиталини камайтириш лозимми?

Юлия, бош бухгалтер.

– Корхонангиз илгари муассисдан устав капиталига ҳисса сифатида олинган асосий воситаларни реализация қила олади, чунки улар сизларга мулк ҳуқуқида тегишли (*Фуқаролик кодексининг 58-моддаси*) ва МЧЖ уларни ўз хоҳишига қараб тасарруф эта олади. Ушбу асосий воситаларни реализация қилиш чоғида **устав капиталини камайтириш керак эмас.**

Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, МЧЖ томонидан йирик битимлар – қиймати жамият мол-мулки қийматининг 25%идан кўп бўлган (агар уставда бундан юқори миқдор назарда тутилмаган бўлса) битимларни амалга ошириш тўғрисида қарорни МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қабул қилади (*2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» 310-И-сон Қонуннинг 44-моддаси*).

Телефон орқали «Norma Ekspert» мутахассислари жавоб бердилар.

ФИРМА УЧУН ПЛАСТИК



Корхонамизнинг фирма дўконидан банк терминали ўрнатилди. Унда асосий ҳисоб-китобларни пластик карточкалар бўйича юритамиз. Яқинда мижозга юридик шахснинг корпоратив картаси бўйича хизмат кўрсатишга тўғри келди. Юзага келган бир нечта саволимизга жавоб берсангиз.

Банк карталари (шу жумладан корпоратив карталар) бўйича ҳисоб-китоблар тизими қандай ишлайди? Уларни чакана савдода қўлласса бўладими? Бунда солиқ солиш тизими қандай бўлади?

Х.Асадов, хусусий корхона раҳбари. Қашқадарё вилоят Муборак тумани.

– Пластик карточка банк томонидан чиқарилган тўлов воситаси бўлиб, унда карточка эгасининг ҳисобрақами мавжудлигини тасдиқлайди ва товарлар, ишлар ёки хизматларни нақд пул тўламасдан харид қилиш ҳуқуқини беради.

Пластик карточка жисмоний шахсларга ҳам (шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорларга), юридик шахсларга ҳам берилди (Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом¹, бундан кейин – 1122-сон Низом). Юридик шахснинг пластик карточкаси корпоратив карточка дейилади (Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом²).

Чакана савдо корхоналари ҳисоб-китобларни жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари ҳамда юридик шахсларнинг корпоратив карточкалари бўйича амалга оширишлари мумкин. Харгал бундай операцияни амалга ошириш чоғида картани авторизациялаш амалга оширилади, яъни унинг ҳақиқийлиги ва хариддорнинг тўловга қобиллиги текширилади, бунда товарлар учун ҳақ тўлашда

карточкадаги маблағларнинг етарлиги аниқланади. Корхона кассири хариддор олган товарлари учун тўлаши керак бўлган суммани киритади, агар карточкадаги маблағларнинг қолдиғи талаб қилинаётган суммадан ошиб кетса ёки унга тенг бўлса, терминал операцияни бажаришга рухсат олади. Шундан сўнг карточкадаги маблағлар тегишли суммага камаяди.

1122-сон Низомнинг 91-бандига кўра, пластик карточкалардан фойдаланиш операциялари ҳисоб-китобларда иштирок этадиган тарафлар учун зарур нусхаларда қоғоз тарзида (слип, электрон терминал квитанцияси) ва (ёки) электрон шаклда (терминал ёки банкоматнинг электрон журналидаги ҳужжат) ҳужжатларни, шунингдек бошқа ҳужжатларни (банкомат квитанцияси ва бошқалар) албатта тузишни назарда тутати. Улардан бири харидорга у товарларга корпоратив карточка бўйича ҳақ тўлаганлигини тасдиқлаш учун берилди.

Пластик карточкаларни қўллаган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича электрон ҳужжатлар, шартномада кўрсатилган даврийликда савдо корхонасига хизмат кўрсатувчи банкка (эквайер банк), эми-



тент банкка (пластик карточкалар эмитенти) ёки клиринг марказига юборилади. Улар асосида хизмат кўрсатувчи банк электрон тўловлар тизими қоидаларига мувофиқ ҳужжатларни расмийлаштиради ва уларни эмитент банкка ёки бошқа ваколатли шахсга юборади. Улар эмитент банк томонидан савдо корхонасига хизмат кўрсатувчи банкка пул ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, чакана савдода товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилиш ўтган ой учун ойлик товар обороти умумий ҳажмининг 10%и доирасида амалга оширилиши мумкин. Ушбу лимитдан ортиқча товарларни фақат ижтимоий соҳанинг айрим ташкилотлари ва муассасаларига сотишга рухсат берилди. Бироқ агар юридик шахслар товарларга пластик карточка бўйича ҳақ тўлашса, нақд пулсиз сотиш улуши чегараланмайди (Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг³ 19-банди).

Пластик карточка бўйича ҳақи тўланган товарлар реализациясидан олинган тушумдан чакана савдо корхоналари амалдаги

ставкадан 10%га пасайтирилган ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлайдилар (Президентнинг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сон қарори⁴). Масалан, агар дўкон 2%лик ставкани қўлласса, пластик карточка бўйича реализация ҳажмидан ЯСТ 1,8%лик ставка бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, чакана савдо корхоналари 2010 йил 1 июлдан бошлаб ЯСТни Солиқ кодексига мувофиқ (ялпи тушум ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб), бироқ худди шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар.

Базани ҳисобга олган ҳолда ЯСТ ҳисоб-китобига оид (шу жумладан пластик карточкалар бўйича имтиёзни қўллаган ҳолда) батафсил тушунтиришлар ва мисоллар «СБХ»нинг 2010 йил 16 сентябрдаги 38 (842), 9 декабрдаги 49 (853), 16 декабрдаги 50 (854) ва 23 декабрдаги 51 (855)-сонларида берилган.

Алексей БАЛУЕВ,
«Norma Ekspert»
эксперт-иқтисодчи

¹МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

²МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

³ВМнинг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган.

⁴«Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

ҲИСОБ-КИТОБ ҲУЖЖАТЛАРИГА ТАЯНИНГ



Лойиҳа ишлари билан шуғулланадиган «Тошкент Метролойиҳа» МЧЖ (ХХТУТ бўйича коди 66000) режали текшириш ўтказилишида юзага келган савол бўйича тушунтириш беришингизни сўраб муурожаат қилмоқда. Корхонанинг даромади акс эттирилиши керак бўлган даврни аниқлаш бўйича ихтилофлар туфайли низоли вазият юзага келган.

Лойиҳа ишларини амалга ошириш учун шартномалар буюртмачи ва пудратчи мўлжал оладиган ишларни бажаришнинг календарь режаларини ўз ичига олган. Бироқ буюртмачи бошлангич маълумотларни ўз вақтида тақдим эта олмаганлиги учун ишларни бажариш чўзилди. Уларни буюртмачи бажарилган ишлар далолатномалари ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар асосида қабул қилиб олди.

Ишларнинг бажарилган босқичлари корхона даромадларида бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳисобварақ-фактуралар имзоланган даврда, яъни улар буюртмачи томонидан қабул қилиниши далили бўйича акс эттирилган. «Тошкент Метролойиҳа» МЧЖ бухгалтерияси СК 130-моддасининг ўнинчи қисми ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси қоидаларига амал қилди, уларга кўра бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган, тўловга доир ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймати даромадга киритилади. Даромад ўзи тааллуқли бўлган даврда, тўлаш вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, акс эттирилади.

Бироқ текширувчиларнинг ҳисоблашларича, корхонанинг бухгалтерия ҳужжатларида даромадлар, бажарилган ишлар далолатномалари бўлмаса ҳам, календарь режаларда кўрсатилган даврларда акс эттирилиши керак экан. Айтилган, қандай ҳужжатлар лойиҳа ташкилотининг даромадини акс эттириш мақсадида бошлангич ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади – бажарилган ишлар далолатномалари ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларми ёхуд календарь режаларими? Лойиҳа ташкилотининг даромадини акс эттириш даврини қандай қилиб тўғри белгилаш керак?

М.Хўжаев,
бош директор ўринбосари.

Календарь режа бажариладиган ишлар ёки тадбирлар рўйхати, уларнинг кетма-кетлиги ва қиймати, реализация қилиш муддатларини ўз ичига оладиган ҳужжатдир. Амалиётда ҳақиқатда ишларнинг бажарилиши ҳар доим ҳам календарь режада назарда тутилган муддатларга мувофиқ келавермайди – ишлар олдинроқ ҳам, ундан кейинроқ ҳам топширилиши мумкин. Корхона ҳисобида даромадлар ва харажатлар, пул тўланган вақти ва келиб тушган санасидан қатъи назар, бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун¹ 13-моддаси, Солиқ кодексининг 39-моддаси, бундан кейин – СК).

«Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар» 2-сон БХМС-

нинг² 14-бандига биноан, агар хизмат кўрсатишни (ишларни бажаришни) ўз ичига оладиган битим натижаси аниқ белгиланиши мумкин бўлса, шу битим билан боғлиқ даромад йиллик молиявий ҳисобот тузиш санасида битимнинг бажарилиши босқичига қараб тан олинади. Битим натижаси эса қуйидаги шартлар бажарилишига қараб аниқ белгиланиши мумкин:

- 1) даромад миқдори юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланиши мумкин;
- 2) хўжалик юритувчи субъектга битим билан боғлиқ даромадларнинг тушиши эҳтимоли мавжуд;
- 3) бухгалтерия баланси ҳисобот санасигача битимнинг тугаланиши босқичи юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланади;
- 4) битимни бажариш чоғида қилинган харажатлар ва битимни ниҳоясига етказишга доир харажатлар юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланиши мумкин.


ражатлар юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланиши мумкин.

Бинобарин, календарь режа даромадини тан олиш мақсадида юқорида саналган талабларга мувофиқ келмайди. У фақат ишларни бажариш учун мўлжал, холос. Ҳисобда даромадини тўғри акс эттириш учун юқорида кўрсатилган шартларга ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлганда амал қилиш мумкин. Бундай ҳужжатларга буюртмачи тақдим этган ва имзолаган ҳисобварақ-фактуралар, бажарилган ишлар далолатномаларини киритиш мумкин.

СК 130-моддасининг ўнинчи қисмига кўра лойиҳа-қидирув ишлари (хизматлар) бўйича шартномавий баҳолардан келиб чиқиб ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган, буюртмачилар томонидан бажарилган (кўрсатилган) ва тасдиқланган ишларнинг (хизматларнинг) ҚҚС киритилмаган қиймати даромадга қўшилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ҳисобда даромадини буюртмачига тақдим этиладиган ва у томонидан тасдиқланган тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган сана бўйича тан олиш керак.

Светлана КИМ,
«Norma Ekspert»
эксперт-иқтисодчиси.



¹1996 йил 30 августдаги 279-1-сон.

²МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА

Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлар рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг* талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан аудиторлик ташкилотларининг рўйхати тасдиқланди.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк
қўмитаси раисининг ўринбосари
А.ДАЛИЕВ.
04/12-419/1-сон

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.
ММ 17-02-35/103-сон

2011 йил 1 март.

УСТАВ КАПИТАЛИДА ДАВЛАТ АКЦИЯЛАРИ ПАКЕТИ (УЛУШЛАРИ) 50 ФОИЗДАН ОРТИҚ БЎЛГАН КОРХОНАЛАРДА ТАШҚИ АУДИТ ЎТКАЗИШГА ҚЎЙИЛГАН АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари

N	Аудиторлик ташкилотларининг номи	Минтақа
1	«Impuls Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
2	«FINEKS» МЧЖ	Тошкент ш.
3	«Global-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
4	«TRI-S-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
5	«OSIYO-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
6	«Audit-Varn» МЧЖ	Тошкент ш.
7	«Marikon-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
8	«XB FINANCE KONSULTING» МЧЖ	Тошкент ш.
9	«Консаудитинформ» МЧЖ	Тошкент ш.
10	«AUDIT-Kanon» МЧЖ	Тошкент ш.
11	«Buxgalter-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
12	«Audit Income» МЧЖ	Тошкент ш.
13	«DOK-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
14	«FTF-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
15	«Konsaudit-Adolat» МЧЖ	Тошкент ш.
16	«Trast-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
17	«ARHAT Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
18	«Nazorat-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
19	«Amir-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
20	«Odil-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
21	«HOLIS GURUH» МЧЖ	Тошкент ш.

N	Аудиторлик ташкилотларининг номи	Минтақа
22	«Ernst & Young» МЧЖ	Тошкент ш.
23	«TSIAR-FINANS» МЧЖ	Тошкент ш.
24	«KORIFEY-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
25	«Аудит Глобал Маълумот» МЧЖ	Тошкент ш.
26	«Max Alyans Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
27	«Ekoaudit» МЧЖ	Тошкент ш.
28	«PriceWaterhouse Coopers» ШК	Тошкент ш.
29	«Prokar ekspert audit» МЧЖ	Тошкент ш.
30	«Prom-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
31	«Audit-Rumans» МЧЖ	Тошкент ш.
32	«Diplomat-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
33	«Gloriya audit» МЧЖ	Тошкент ш.
34	«Deloitte & Touche LLC» МЧЖ	Тошкент ш.
35	«Kamila Azim Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
36	«Amulet Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
37	«Leksan Info» МЧЖ	Тошкент ш.
38	«Fortis-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
39	«Trans-Audit-A» МЧЖ	Тошкент ш.
40	«Audit Maxima» МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси

N	Аудиторлик ташкилотларининг номи	Минтақа
41	«ZIYO-AUDIT» МЧЖ	Андижон вилояти
42	«Марҳамат-аудит» МЧЖ	Андижон вилояти
43	«ERKIN-AUDIT-XXI» МЧЖ	Андижон вилояти
44	«Audit-Ummon» МЧЖ	Андижон вилояти
45	«Кафолат-Люкс» МЧЖ	Андижон вилояти
46	«Progress Audit» МЧЖ	Бухоро вилояти
47	«Қашқадарёконсаудитинформ» МЧЖ	Қашқадарё вилояти
48	«Hombur-audit» МЧЖ	Қашқадарё вилояти
49	«Zamin Oil-Audit» МЧЖ	Қашқадарё вилояти
50	«DAVR» МЧЖ	Наманган вилояти
51	«Samimiy-Hulosa» МЧЖ	Наманган вилояти
52	«Комил Ишонч» МЧЖ	Самарқанд вилояти
53	«Javlon audit servis» МЧЖ	Самарқанд вилояти
54	«Himoya-Audit» МЧЖ	Фарғона вилояти
55	«ТТТ-AUDIT» МЧЖ	Фарғона вилояти
56	«Audires» хусусий аудиторлик корхонаси	Фарғона вилояти
57	«Elite Invest Renome Audit» МЧЖ	Фарғона вилояти
58	«Audit» ХАК	Фарғона вилояти

Хўжалик юритувчи субъектларда (очик акциядорлик жамиятлари, банклар ва сугурта ташкилотларидан ташқари) ташаббус тарзидаги ва мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари

N	Аудиторлик ташкилотларининг номи	Минтақа
59	«SIFAT-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
60	«STANDART-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
61	«Faba-expert» МЧЖ	Тошкент ш.

N	Аудиторлик ташкилотларининг номи	Минтақа
62	«Maslahat-audit-M» МЧЖ	Жиззах вилояти
63	«Termiz-Audit» МЧЖ	Сурхондарё вилояти
64	«Xarakat-Audit» МЧЖ	Тошкент вилояти

N	Аудиторлик ташкилотларининг номи	Минтақа
65	«Akademik Audit» МЧЖ	Фарғона вилояти
66	«Mustaqil-M» хусусий корхонаси	Фарғона вилояти
67	«Xorazm-Adolat-Audit» МЧЖ	Хоразм вилояти

*ДМҚ ва МВнинг 2007 йил 28 мартдаги 1668-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Тахририятдан: аудиторлик ташкилотларининг телефон рақамлари кўрсатилган рўйхати www.norma.uz сайтида жойлаштирилган.

Хафта саволи

НИЯТЛАР ДИВИДЕНДЛАРГА ХАЛАЛ БЕРМАЙДИ

? Масыулияти чекланган жамиятда иштирокчилар устав фондини кўпайтиришга қарор қилдилар. Дивиденд тўлаш вақти келганда хизмат кўрсатувчи банк ушбу мақсадларга маблағ беришни рад қилди. Банк ходимлари рад қилишни «Масыулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддаси билан асосламоқдалар, унга кўра МЧЖ ўзининг устав фонди тўлиқ шакллантирилишига қадар ўз фойдасини иштирокчилар ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Бироқ биз ўз МЧЖмизни янгитдан ташкил этаётганимиз йўқ, устав фонди ҳам рўйхатдан ўтказилган миқдорда аллақачон шакллантирилган. Уни кўпайтириш эса, бизнинг тушунишимизча, ана шу Қонуннинг бошқа қоидалари билан тартибга солинади, уларни банк ходимлари нимагадир эътиборга олмаётдилар. Бизнинг фикримизча, банкнинг рад қилиши Қонунга мувофиқ келмайди ва кичик бизнесга жиддий зарар етказиши мумкин. У МЧЖни ривожлантиришга маблағ олишга тўсқинлик қилади, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини камситиши.

Тушунтириб берсангиз: жамият фойдасини МЧЖ иштирокчилари ўртасида уни тўлиқ тўлагунга қадар тақсимлашни тақиқлаш устав фондини кўпайтириш даврига татбиқ этиладими?

МЧЖ директори.

– Йўқ, татбиқ этилмайди.

«Масыулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) 14-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайт-
!2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон.

га келиб унинг ҳар бир иштирокчиси жамиятнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав фонди (устав капиталига) ўз ҳиссасининг камида 30%ини киритиши шарт. Уни таъсис ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида тўлиқ киритишлари керак, ушбу муддат

МЧЖ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 1 йилдан ошмаслиги лозим.

Қонун 26-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига кўра, бутун устав фонди тўлиқ тўланишига қадар МЧЖ иштирокчилари фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмаслар. Мазкур тақиқ рўйхатдан ўтказилган, бироқ жамиятни барпо этиш чоғида тўлиқ шакллантирилмаган устав фондига нисбатан амал қилади. У белгиланган тартибда тўлиқ тўланган устав фондини кўпайтириш ҳолларига татбиқ этилмаслиги лозим.

Биринчидан, Қонун 16-моддасининг биринчи қисмига кўра, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга фақат у тўлиқ тўланганидан кейин қўйилади. Кўшимча ҳиссаларни киритишнинг чегараланган муддатини Қонун белгиламаган, муассислар уни мустақил равишда белгилай оладилар.

Иккинчидан, Қонун 18-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ жамият таъсис ҳужжатларидаги устав фонди кўпайишини акс эттирувчи ўзгартишларни давлат

рўйхатидан ўтказиш учун жамият иштирокчилари томонидан кўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда киритилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинади.

Учинчидан, Қонун 18-моддасининг айтиб ўтилган еттинчи қисмида белгиланишича, таъсис ҳужжатларидаги устав фондининг янги миқдорини назарда тутадиган ўзгартишлар ваколатли орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб жамият иштирокчилари ва учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Ўзгартишлар эса муассисларнинг қарори билан белгиланган кўшимча ҳиссалар тўлиқ киритилганидан кейингина давлат рўйхатидан ўтказилади.

Қонуннинг юқорида кўрсатилган қоидаларидан келиб чиқилса, агар устав фонди кўпайтирилганида МЧЖ иштирокчилари ҳали ўзларининг кўшимча ҳиссаларини тўлиқ шакллантирмаган, рўйхатдан ўтказувчи органга улар киритилганлигини, демак, устав фондининг миқдори ҳақиқатда ўзгар-

ганлигини ҳам тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлсалар, бундай ўзгартишлар ҳам давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Ушбу босқичда устав фондини кўпайтириш учун маблағларни жамғариш МЧЖ ички қарорлари билан тартибга солинади. Жамият иштирокчилари ва учинчи шахслар, шу жумладан банк учун эса келажақ ниятлари эмас, балки МЧЖнинг давлат рўйхатидан ўтказилган таъсис ҳужжатлари юридик кучга эгадир.

Агар МЧЖ иштирокчилари рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав фондини тўлиқ тўлаган бўлсалар, улар Қонуннинг 25-моддасига асосан жамиятнинг соф фойдасини белгиланган тартибда тақсимлаш ва ўз улушларининг рўйхатдан ўтказилган миқдорларига мувофиқ дивиденд олишга ҳақлилар. Банк ушбу ҳолда устав фонди тўлиқ тўланмаганлигини рўқач қилиб, уларни тўлашга маблағ беришни рад этишга ҳақли эмас.

Артём МОКШИН,
«Norma» МЧЖ эксперт
юридик хизматининг бошлиғи.

«ХОДИМНИНГ ХОҲИШИ...» У ЁЗМА БЎЛИШИ ШАРТМИ?



Меҳнат кодексининг кўпгина моддаларида «ходимнинг ташаббусига кўра», «ходимнинг илтимосига биноан», «ходимнинг хоҳишига кўра» таърифларидан фойдаланилади. У ёки бу хоҳиш (илтимос)ни тасдиқлашга доир суд амалиёти қандай? Zero у ёзма равишда ифодаланиши керак деб ҳеч қерда ёзилмаган.

Ф. Содиқова.

«Ходимнинг ташаббусига кўра», «ходимнинг илтимосига биноан», «ходимнинг хоҳишига кўра» таърифлари уларни ёзма шаклда ифодалашга кўрсатма берилмаган ҳолда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида у қадар кўп учрамайди. Хусусан:

1 Ходимнинг илтимосига биноан меҳнат дафтарчасига ўриндошлик бўйича ҳамда вақтинчалик бошқа ишга ўтказилганлик даври ҳақидаги ёзувлар киритилади (Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг* 2.1-банди, бундан кейин – Йўриқнома).

2 Зарур ҳолларда иш берувчи ходимларнинг илтимосига биноан меҳнат дафтарчасидан иши тўғрисидаги маълумотларнинг кўчирмасини ёзиб, тасдиқлаб беради (Йўриқноманинг 2.5-банди).

3 Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзув киритилади (Меҳнат кодекси 81-моддасининг учинчи қисми (бундан кейин – МК).

4 Ходимнинг илтимосига кўра суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига (МК 112-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилгандан ташқари) камида уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериши мумкин (МК 112-моддасининг учинчи қисми).

5 Иш берувчи МКнинг 229-моддасида, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт (МК 119-моддасининг иккинчи қисми).

6 Алоҳида тоифадаги ходимларга таътил уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади (МК 143-моддасининг учинчи қисми).

7 Алоҳида тоифали ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак (МК 144-моддасининг учинчи қисми).

8 Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан

хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади (МК 144-моддасининг тўртинчи қисми).

9 Ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади (МКнинг 146-моддаси).

10 Алоҳида ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади (МК 150-моддасининг иккинчи қисми).

11 Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни МКнинг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (15 иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин (МК 151-моддасининг иккинчи қисми).

12 Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин (МКнинг 152-моддаси).

13 Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш кунини (отгул) бериш билан қопланиши мумкин (МК 157-моддасининг иккинчи қисми).

14 Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин (МК 157-моддасининг иккинчи қисми).

15 Донорлик қилувчи ходимнинг хоҳишига кўра қон топширган куннинг албатта эртасига дам олиш учун бир кун берилади, бу кун таътилга қўшиб берилади. Текширувдан ўтадиган ва қуйиш учун қон топширадиган кун ишдан озод этилган давр учун, шунингдек дам олиш кунлари ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади (МК 167-моддасининг учинчи қисми).

16 Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходим-

нинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли (МК 183-моддасининг иккинчи қисми).

17 Ҳомиладор аёлнинг, 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кунини ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир (МКнинг 229-моддаси).

18 Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришlash таътилидан кейин берилади (МК 231-моддасининг биринчи қисми).

19 14 ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади (МК 231-моддасининг иккинчи қисми).

20 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили 14 календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади (МК 232-моддасининг иккинчи қисми).

21 Ҳомиладорлик ва туғиш таътили туғганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида

Кўрсатилган моддаларда (МКнинг 146-моддасидан ташқари) ходим хоҳиш билдириши учун ёзма шаклга риоя этиши ҳақида талаблар қўйилмаган. Бироқ шуни унутмаслик керакки, низо юзага келганда у хоҳиш билдирганини исботлаши зарур бўлиб қолади. Ходимнинг ёзма аризаси энг ишончли далилдор. Буйруқ чиқаргунга қадар уни олган иш берувчи ортиқча муаммолардан халос бўлади. Бунда аризада ўз илтимосини аниқ кўрсатган ходим кейинчалик ўзи билдирган хоҳишларини рад эта олмайди.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгагининг
юридик бўлими мудири.

белгиланган тартибда нафақа тўланади (МК 234-моддасининг биринчи қисми).

22 Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади (МК 234-моддасининг иккинчи қисми).

23 Аёл ёки МК 234-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, ўйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади (МК 234-моддасининг тўртинчи қисми).

24 Янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан 56 календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса 70 календарь кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун қўшимча таътиллари берилади (МКнинг 235-моддаси).

25 Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига қўчирилиб, иш кунини (иш сменаси) шунга яраша қисқартирилиши мумкин (МК 236-моддасининг учинчи қисми).

26 Таълим муассасаларида ишлаётган қаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга йиллик таътиллари иш берувчи уларнинг хоҳишига кўра имтиҳонлар ва лаборатория-имтиҳон сессиялари вақтига тўғрилаб берилиши шарт (МКнинг 250-моддаси).

27 МК 269-моддасининг биринчи қисмида санаб ўтилган меҳнат низола-ридан бошқа низолар ҳам ходимнинг хоҳишига кўра бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилади (МК 269-моддасининг иккинчи қисми).

28 Ходимнинг илтимосига кўра суд меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини унинг ўз хоҳишига биноан ёки тарафларнинг келишуви бўйича деб ўзгартирилганлиги тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш билан чекланиши мумкин (МК 272-моддасининг иккинчи қисми).

Долзарб масала

УЛГУРЖИ САВДО МУАММОЛАРИ

Корхонамиз (ХХТУТ бўйича коди 71150 «Бошқа улгуржи савдо») бир неча фаолият тури: улгуржи савдо, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш билан шуғулланади. 2010 йил якунлари бўйича асосий фаолияти улгуржи савдодир. 2065-сон Низом* 1-бандига кўра, улгуржи савдо корхоналари ягона солиқ тўлови бўйича ҳар бир ўтказилган савдо операциясидан келиб тушадиган тушум суммасининг 5% миқдорида бўнак тўловлари тўлайдилар.

Банк 2065-сон Низомнинг 12-бандига ҳавола қилиб, корхонанинг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган барча пул маблағларидан, ҳатто умуман солиқ солинмайдиган тушумлардан: депонентга ўтказилган иш ҳақи, устав фондида пул ҳиссалари, қайтариладиган моддий ёрдам, қарзлар, депозитлар бўйича ҳисоблаб ёзилган банк фоизлари, биз ушланган бўнак тўловларини чегирмасдан тўлиқ ҳажмда қайтаришимиз керак бўлган хато қайд этилган пул маблағларидан ҳам улгуржи савдо бўйича

ЯСТ тўлаш ҳисобига ДСИга 5 фоизлик бўнак тўловларини ўтказиш керак.

2011 йилнинг биринчи чорагида корхона, улгуржи савдодан ташқари, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширмақда ва умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатмоқда. Белгиланганидек, фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритилмиш ва тегишли ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлаётимиз: улгуржи савдо бўйича – 5%, ишлаб чиқариш фаолияти бўйича – 6% ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият бўйича – 10%. ЯСТ турли фаолият хиллари бўйича турли ҳисобрақамларига тўланиши боис, ушлаб қолинадиган бўнак тўловлари суммаси ишлаб чиқариш фаолиятдан ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолиятдан солиқ тўлаш чоғида ҳисобга олинмайди. Натижада биз банк томонидан ҳисоб-китоб рақамига келиб тушадиган барча суммалардан ушланган 5%ни ҳисобга олмаган ҳолда ЯСТни тўлиқ ҳажмда

тўлашга мажбуримиз. Бунинг оқибатида бизда улгуржи савдодан ЯСТ бўйича катта миқдорда ортиқча тўлов юзага келиб, уни биз ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш бўйича ЯСТ ҳисобига қайд эта олмаяпмиз.


Буни нормал ҳолат деб бўлмайди: корхона тартибли солиқ тўловчи сифатида солиқ мажбуриятларини бажаряпти, унинг айбисиз юзага келадиган ортиқча тўловни эса солиқ бўйича ҳисоб-рақамлар турлича эканлиги сабабли ҳисобга олишдан бош тортаяптилар. Бизга тушунтиришларича, улгуржи савдога лицензиямиз бор экан, бу ҳол ўзгармас эмиш.

Ушбу вазиятга эътибор қаратиб, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида уни ҳал қилиш лозим деб ҳисоблайман.

Бухгалтер.

Тахририятга шунга ўхшаш бир неча муножаатлар келиб тушди. Экспертларимизнинг ушбу масала бўйича фикрини газетанинг кейинги сонидан ўқийсиз.

*Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисида низом (МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2010 йил 14 январда 2065-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).



ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 12 (297) 2011 йил 29 март

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

«ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ»

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР


чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли
дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль
К туридаги, Консоль «Андижанец» насоси
«КАСКАД» КЎЗ Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ



237-51-33

237-47-20

237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

Рўйхатлар

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 23 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан

Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган санаси ва рақами	Юридик манзили	Қарор рақами
"RADUGA COLLECTION"	301515686	23.02.2010 003583-01	Жамшид кўч., 37	10-1119/2890
"ARGUS LYUKS"	205217258	09.09.2004 000355-01	Чилонзор 23-24-68	10-1119/2889

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамғаси ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Ушбу корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонада қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 11 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан

Миробод туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ХТУТ (ОКРО)	Қарор рақами
"SONAGI" МЧЖ	201869289	27.10.2005 000416-03	16267107	10-1108/2841-т
"DIL-RUS-TRADE" МЧЖ	204956344	12.02.2007 000416-03	19395930	10-1108/2854-т
"CHACHA PLUS" МЧЖ	300832981	14.05.2008 000259-03	22415730	10-1108/2837-т
"MEXROJ-DORI" МЧЖ	205217036	08.09.2004 003238-03	19742951	10-1108/2842-т
"INCHON KOREA" МЧЖ	301243321	30.06.2009 000513-03	22824664	10-1108/2838-т
"EKO-BIO ATTESTATION-LABOURIS" МЧЖ	206794016	21.09.2006 300/9(2260)	21485355	10-1108/2845-т
"KST ODA BIZNES" МЧЖ	301330696	29.09.2009 004111-03	22919867	10-1108/2844-т
"LANDBRIDGE SERVIS" МЧЖ	206936519	26.10.2007 004111-03	22197826	10-1108/2850-т
"PIK KONSALT" МЧЖ	300972341	29.10.2008 002838-03	22554466	10-1108/2849-т
"POJARNIY-SERVIS" ХК	205660911	05.05.2005 003498-03	20224032	10-1108/2848-т
"SANDIMIX" ХК	204935727	15.03.2004 002538-03	19395573	10-1108/2846-т
"SINTA PLUS" МЧЖ	205311592	24.04.2008 000703-03	19855342	10-1108/2851-т
"FRIGAT FART" МЧЖ	300559047	06.09.2007 000703-03	22103367	10-1108/2839-т
"TARA DEVELOPMENT" МЧЖ	300563502	24.06.2008 002753-03	22103396	10-1108/3002-т
"MEHNOOR TRADERS" МЧЖ	301149699	20.04.2009 002759-03	22715745	10-1108/3001-т
"BIBINUR-TANXO" МЧЖ	300516740	23.07.2007 003814-03	22015806	10-1108/3000-т
"SATUNHAN-TRADE SERVIS" МЧЖ	300655173	24.06.2008 002673-03	22200633	10-1108/2999-т
"SHONA SAVDO" МЧЖ	206850413	10.03.2008 003309-03	21648219	10-1108/2998(21)-т
"BAXT TAMIR" МЧЖ	300195343	31.01.2007 002396-03	21564574	10-1108/2994(21)-т
"AGRO-BAHMAL-TAYYORLOV" МЧЖ	300541237	15.08.2007 002329-03	22016125	10-1108/2995(21)-т
"CHUN SAN KOREA" МЧЖ	206966670	11.12.2008 002720-03	22478297	10-1108/2996(21)-т
"DONG JY-GLOBAL" МЧЖ	301166164	30.04.2009 003322-03	22715892	10-1108/2997(21)-т
"INTERNATIONAL TRAVEL" МЧЖ	300799270	16.04.2010 003834-03	22322201	10-1108/3004(21)-т

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани Ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 1 мартдаги 10-1117/2294-сонли ҳал қилув қарорига асосан Мирзо Улуғбек туман ДСИдан рўйхатдан ўтган "PETROL SERVICE" МЧЖ (СТИР 202765330) банкрот деб топилган ва тугатишга оид иш юритиш очилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб О.Умаров тайинланган. Тугатишга оид иш юритиш ва кредиторлар йиғилиши 2011 йил 30 март куни Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биноси, 2-қават, 209-хонада ўтказилади. Тел. 262-17-82.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 11 мартдаги 10-1110/3510-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "ANTURAJ PROEKT" МЧЖ (юридик манзили: У.Носир кўчаси, 68а-уй) бўйича банкротликнинг кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхонанинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2011 йил 28 март соат 10.40 да Тошкент ш., Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 1-сонли суд залида кўриб чиқилиши тайинланган. Ушбу корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 31 март куни соат 10.00 да Яккасарой туман ДСИ биносида қуйидаги манзил бўйича ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, 3-қават, 310-хона. Тел. 250-70-87.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Аудиторлик текширувлари ҳамда МХХС ва БХМС бўйича малакали хизматлар

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

САР ва СІРА сертификатларига эга аудиторлар керак

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
УзР МБнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16, факс (8371) 279-44-01.
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-82, 335-19-87, (+99894) 663-77-74.
E-mail: ltd_nazorat-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Қоразм (+99862) 524-51-55,
Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63,
Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

TOP

237-51-33
237-47-20
237-47-05

Рўйхатлар

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорларига асосан
Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами	Санаси
"MOYE ULOQ PLUS" МЧЖ	10-1109/2444-т	10.03.11
"KOMMUNAL ELIT SERVIS" МЧЖ	10-1109/2445-т	10.03.11
"NARGIZ-SAODAT-SAVDO" МЧЖ	10-1109/2446-т	10.03.11
"EXCELLENT STAR TRADE LUX" МЧЖ	10-1109/2447-т	10.03.11
"MEVAZOR-SAMSUNG" МЧЖ	10-1109/2448-т	10.03.11
"FERUZA MEBEL" ХК	10-1109/2449-т	10.03.11
"NEFT GAZ REAL SERVIS" МЧЖ	10-1109/2450-т	10.03.11
"OTABEK TRANS" ХК	10-1109/2451-т	10.03.11
"ALLA PLUS" ХК	10-1109/2452-т	10.03.11
"ANTO GEM SERVIS" ШК	10-1109/2453-т	10.03.11
"FK-OLIMPIYA" МЧЖ	10-1109/2454-т	10.03.11
"FAZILAT SERVIS" ХК	10-1109/2455-т	10.03.11
"FOTIMA BEGIM" МЧЖ	10-1109/2456-т	10.03.11
"UMIDPAY PLYUS" МЧЖ	10-1109/2457-т	10.03.11
"ALINET TORG" МЧЖ	10-1109/2458-т	10.03.11
"GARANT-STROY INVEST GLOBAL" МЧЖ	10-1109/2459-т	10.03.11
"SHARQ-TURON-SERVIS" ХК	10-1109/2613-т	14.03.11
"PASH-YUL-TEKST" МЧЖ	10-1109/2614-т	14.03.11
"INDIGO FILM" МЧЖ	10-1109/2615-т	14.03.11
"ALFA TEAM TRADE" МЧЖ	10-1109/2616-т	14.03.11
"ANSHAR GOLD" МЧЖ	10-1109/2617-т	14.03.11
"ROLIKS DAYTONA" МЧЖ	10-1109/2618-т	14.03.11
"IBROHIM QUALITY SERVICE" ХК	10-1109/2619-т	14.03.11
"MERKURIY STAND LIDER" МЧЖ	10-1109/2621-т	14.03.11
"SUNNATILLA QURILISH SAVDO" МЧЖ	10-1109/2622-т	14.03.11
"CHERNOBIL SADOSI" ШК	10-1109/2623-т	14.03.11
"TIMBAT BIZNES" МЧЖ	10-1109/2624-т	14.03.11
"QOBILJON-RAVNAQ-SAVDO" ХК	10-1109/2625-т	14.03.11
"PANTOS AGRO LYUKS" ХК	10-1109/2626-т	14.03.11
"TANXO QURILISH SAVDO" МЧЖ	10-1109/2627-т	14.03.11
"IMPERIYA PLATINUM" МЧЖ	10-1109/2628-т	14.03.11
"SUPER KONSALT SERVIS-CHILONZOR T" МЧЖ	10-1109/2629-т	14.03.11
"POKIZA NUR IMPEKS SAVDO" МЧЖ	10-1109/2630-т	14.03.11
"KARAVAN PRIM FUD" МЧЖ	10-1109/2631-т	14.03.11
"YUKSAK JALOL BARAKA" МЧЖ	10-1109/2632-т	14.03.11
"KUPRUM-HIM" ХК	10-1109/2633-т	14.03.11
"SANCHO PANSO" ХФ	10-1109/2634-т	14.03.11
"5 x 5" МЧЖ	10-1109/2635-т	14.03.11
"OSTINSTAR" ХК	10-1109/2636-т	14.03.11
"KARAVAN-HUQUQ" МЧЖ	10-1109/2637-т	14.03.11
"PHOENIX INDIA GENERAL TRADING" МЧЖ	10-1109/2638-т	14.03.11
"DONADOR BUSINESS" ХК	10-1109/2639-т	14.03.11
"RIVER ELEKTRONIKS" МЧЖ	10-1109/2640-т	14.03.11
"IQTIDORLI INVEST BIRLASHMASI" МЧЖ	10-1109/2641-т	14.03.11
"BAXRINISO BONU BIZNES" МЧЖ	10-1109/2642-т	14.03.11
"NITRO AVANGARD" ХК	10-1109/2815-т	14.03.11

Ушбу корхоналарнинг муҳр ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
СОТИЛАДИ Барча хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ҳуқуқига лицензияси бўлган аудиторлик компанияси сотилади. Тел.: 242-40-24, (+99897) 769-97-70.	ХИЗМАТЛАР Windows, дастурлар, антивирус. Жойига чиқиш билан. Тел. 585-29-79. Антивирус ҳимояси. Жойига чиқиш билан. Тел. 585-29-79. Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93. Металл конструкциядан буюмлар тайёрлаймиз. Тўлов – исталган шаклда. Тел. 100-10-81. Компьютерга тез ёрдам. Кафолат. Тел. 585-29-79. Видео-, фотосуратга олиш*. Тел. (+99897) 709-20-17. Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва сошлаш. Жойига чиқиш билан. Тел.: (+99897) 450-03-24 Светлана. (+99897) 158-46-10 Сергей.	ХАБАР Хусусий тадбиркор Ш.А.Азимовга Шайхонтохур тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2007 йил 7 июнда берилган 8133-сонли «Даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари» йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР «ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.		
Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш*. Тел.: 252-52-88, 339-38-34, 377-15-12.		
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.		
АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.		
Аудиторлик хизматлари. Арзон*. Тел. 176-23-13.		
«SHARQIY MASLAK» аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви, профессионал хизматларни таклиф этади. Банкрот корхоналарни тугатиш жараёнида қатнашади*. Тел./факс: 250-37-75. Уяли: 733-17-29.		
БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-50, 365-68-60.		

*Хизматлар лицензияланган.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 3 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан

Қибрай туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	Қарор рақами
"VATAN-SAIMAN R.J.T"	203609830	10.06.2005 87	11-1127/3550
"DEXQON VA YOSHLAR"	205348539	12.01.2005 10	11-1127/3551
"SHARIFXON-SHERXON"	300335484	09.03.2007 1590	11-1127/3552
"AGRO PLYUS MAXSULOT"	300717142	12.02.2008 1847	11-1127/3554
"YASMINA BEKA SAVDO"	300950844	29.09.2008 2036	11-1127/3555
"INTER ELITASTROY"	205352510	17.01.2005 12	11-1127/3556
"CHINOR BIZNES SERVIS"	300828234	07.05.2008 1908	11-1127/3557
"MIRSHAROF DAVR SAVDO"	205650780	29.04.2005 67	11-1127/3558
"XUSNORA-DAVR" ХК	205740621	06.07.2005 98	11-1127/3559
"GRAND STONE TRADE"	301336370	05.10.2009 2285	11-1127/3560
"ASIKO-SERYIS" МЧЖ	203609830	21.05.2001 495	11-1127/3561
"TEMURIYLAR" СТШ	203297841	06.06.2000 536	11-1127/3562
"VESTIDO AMADO" МЧЖ	301397368	07.07.2004 1969	11-1127/3563
"HUFAR-QADRIYA" ХК	205702399	03.06.2005 83	11-1127/3564
"BOXODIR-SHOXJAHON-XUMOYUN"	300821806	30.04.2008 1903	11-1127/3565
"O'QUV HANKOR SERVIS"	300421741	23.04.2007 1625	11-1127/3566
"ZEBUNISO INVEST" ХК	301207626	02.06.2009 2184	11-1127/3567
"AZIZ-AVAZ-MALIK" ХК	300739130	28.02.2008 1859	11-1127/3569
"BIOMAXSULOTSERVIS"	206781776	21.06.2007 2254	11-1127/3570
"OSIYO-BARSAK" МЧЖ	301366746	06.11.2009 2328	11-1127/3571

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой мобайнида Қибрай тумани ҳокимлиги корхоналарни тугатиш доимий махсус комиссиясига муурожаат қилишлари мумкин. Тел. 150-08-47.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУКУК
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келвермайд.

Таҳририят оғоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас.

Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Норма" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 971 Адади 5340. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2011 йил 25 мартда соат 19.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223